



**«ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИ:
УМУМИЙ МУАММОЛАР, ҲАМКОРЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ
ВА ИСТИҚБОЛИ»**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
ТОШКЕНТ, 2019 ЙИЛ 13-19 МАЙ**



**МАТЕРИАЛЫ
МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ**

**«ГЕОГРАФИЧЕСКАЯ НАУКА УЗБЕКИСТАНА И РОССИИ:
ОБЩИЕ ПРОБЛЕМЫ, ПОТЕНЦИАЛ И ПЕРСПЕКТИВЫ
СОТРУДНИЧЕСТВА»
ТАШКЕНТ, 13-19 МАЯ 2019 ГОДА**

5. Е.Г. Алдинова Российский государственный университет туризма и сервиса. – М.: 2007.
6. Althof W. Incoming-Tourismus. Muenchen; Wien; Oldenbourg, 1996. – p. 184.
7. Морозов М.А. Экономика и предпринимательство в социально-культурном сервисе и туризме. Учебник. 2-е изд., переп. доп. – М.: ИЦ «Академия», 2005. – 293 с.
8. Рябуха А.Ю. Управление развитием местных сообществ на основе использования туристского пространства: дис. ... канд. экон. наук. – Краснодар: 2006. – 156 с.
9. Николаев С.С. Стратегия формирования единого туристского пространства: автореф. дис. ... канд. экон. наук. – СПб.: 2000. – 22 с.

Усмонов М.Р., Назаров Х.Ё.

ЭКОТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АЙРИМ ГЕОГРАФИК ЖИХАТЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада экотуризмнинг географик хусусиятлари масалаларига бағишланган бўлиб, туризм, экотуризм, куртимизнинг энг сўлим масканлари ҳамда тоғ туризми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: экотуризм, экосаёҳат, маданий меърос, сўлим масканлар, ландшафт, заботқош жойлар, дарё ва кўллар, тоғ туризми.

Некоторые географические особенности развития экотуризма

Аннотация. В данной статье рассмотрены некоторые географические особенности туризма, на примере экологического и горного туризма Джизакской области, и также предложены рекомендации по их дальнейшему развитию.

Ключевые слова: экотуризм, экотуризм, районирование, экокультура, заповедники, местный туризм.

Some geographical features of the development of ekotourism

Annotation. This article discusses some of the geographical features of tourism, on the example of ecological and mountain tourism and also developed specific recommendations for their organization.

Key words: Ekotourism, ecotravel, zoning, ecological culture, nature reserves, local tourism.

Экотуризмни жадал ривожланишин географик жихатдан илмий ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун энг аввало табиий зоналар ва ландшафтлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, уларнинг экологик хусусиятларига эътибор қарагини талаб этилади.

Биобарин, география фанининг тадқиқот объекти ҳисобланган туризм географиясини фанимизнинг икки асосий бўғинлари бўлган табиий ва иқтисодий-ижтимоий географик жихатдан боғлаб тадқиқ этиш катта самара беради. Чунки, табиий-рекреация ҳамда ижтимоий-маданий туристик объектларни сайёҳлик нуктаи назардан ўрганиш жараёнида бу икки йўналиш бир бири билан ҳамбарчас боғланган бўлади. Айни пайтда эса улар тарқок, ҳудудий жихатдан узокда жойлашган бўлиши ҳам мумкинлигини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Шу уринда туризмнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланган экологик туризм, яъни экотуризм кўп жихатдан табиий ва иқтисодий-ижтимоий географияга боғланиб кетади.

Туризмни иқтисодий географик жихатдан баҳолашда аҳоли ва унинг хўжалик фаолиятининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда табиатга, табиий муҳитга салбий таъсирини экологик жихатдан ўрганса, табиий географияда эса атроф-муҳит, табиий компонентлар ва ландшафтларнинг антропоген омил таъсирида ўзгариши билан боғлиқ муаммолар таҳлил этилади. Аммо туризм бир қарайда рекреация географиясининг бир тармоғи бўлиб кўринсада, иккинчи томондан рекреация туризмнинг ичидаги тармок сифатида намоён бўлади.

Экотуризм ҳудудий жихатдан турли географик кенглик ва зоналикларда ўзгача намоён бўлади. Рельефнинг кўринишига боғлиқ ҳолда тоғ ва тоғолди, воҳа, пасттекислик, текислик, чўл, адир ва ҳоказоларда экологик туризмни турлича шаклда, яъни тоғ экотуризми, чўл экотуризми, воҳа экотуризми ва бошқа турли қиёфада ўзига хос эколандшафтлар вужудга келади. Ваҳоланки, кишилар табиатнинг бир бўлаги эканлиги сабабли ҳамма вақт табиатга ҳамда хусусан, “яшил” саёҳатга яъни экологик туризмда иштирок этишга интилади.

Экологик туризмнинг ўсишини шундан ҳам кўриш мумкинки, асосий халқаро туристик маршрутлар гўзал экотик табиати ва такорланмас туристик ресурслари мавжуд бўлган

Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Америка, Африка давлатларига тўғри келмоқда. Баъзи маълумотларга кўра, халқро туризм бозорига экотуризмнинг ҳиссаси ҳозирги вақтда 1/5 га етди.

Тоғлар ўзининг сарқомақлиги, ҳамда қудратли кучга эга эканлиги, дунёнинг устуллари сифатида ҳамда ўзининг сирли ажойиботлари билан инсониятни ҳайратга солиб келган. Айни чоғда, тоғлар туризмда хусусан, тоғ экотуризми, гор туризми, тоғ ўрмон туризми, ов туризми ва бошқа имкониятларини эътиборга олиб, минтақаларда улардан самарали фойдаланиш ва муҳофазат қилишнинг илмий тавсияларга асосланган муҳимлиги олдинга сурилди.

Республикамиз тирихий, археологик, архитектура, санъат, мусиқа ва бошқа туристик имкониятларга ниҳоятда бой. Бундан ташқари, бетакрор табиати, тоғ ва дарёлари, воҳалари, кўл ва ландшафт зоналари асосий рекреация ресурсларидир. Уларни экотуризм лўқтаи назаридан тадқиқ қилиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон миқёсида туризмнинг экологик жиҳатларини ўрганиш, бизнинг фикримизча, қўйидагиларни ўз ичига олади: дарё, кўл, сув омборлари, тоғ экотуризми, шаҳар экотуризми, ландшафт экотуризми ва ҳ.к. Бинобарин, унинг ҳудудий жойлашувига بازار ташлайдиган бўлсак, аввало уларни экотуристтик жиҳатдан районлаштириш орқали аниқ ўрганиш мумкин.

Шу ўринда уларнинг географик жойлашувида турли минтақаларга ажратиш лозим бўлади. Биринчи экотуристтик минтақа тоғ ва тоғолди минтақаси ҳисобланиб, у (Чортоқ, Чимёп, Зомин, Бахмал, Уруг, Омонқўгон, Шоҳимардон, Бойсун ва бошқалар) юртимизнинг энг сўлим маеканлари сифатида асосий экотуристтик зоналар бўлиб, уларни кичик-кичик ҳудудларга ажратган ҳолда дам олиш ва соғломлаштириш сифатгоҳларини барпо этиш имкониятлари мавжуд. Иккинчи экотуристтик минтақа текиелик ва чўл ҳудудларини ташкил этган бўлиб, бу ерда шаҳар ва аҳоли манзилгоҳлари, тарихий, чўл ландшафт экотуристтик объектларни ташкил этади. Чунки, экологик туризм нафақат мусаффо, гўзал ва ҳулиманзара жойларни, қолаверса у экологик ҳанф мавжуд бўлган объектларни ҳам қамраб олган. Шу жиҳатдан мазкур минтақа республикамизда ҳам кенг тарқалган.

Туристтик саёҳатларга чиқишдан мақсад саёҳат пайтида янги жойларни кўриш, табиат гўзашлигидан, тоза тоғ ёки ўрмон ҳавосидан баҳра олиш, ёввойи табиат бағрида дам олиш, шунингдек, ўзга халқ урф-одаги, маданияти, санъати, тарихий обидаларини кўришдан иборатдир. Бинобарин, экологик тоза ҳудуд ажойиб табиат ва бошқа рекреация ресурслари экотуризмнинг муҳим объекти бўлиши билан бирга, айни вақтда экологик таиғ ҳудудларни ҳам тадқиқ қилиш аҳамиятдан холи эмас.

Ўрмон ҳам дам олувчи ва табиат қўйнига сайр қилувчи сайёҳларни ўзига тортади. Ўрмон ўзининг киелород захираси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан, шунингдек, соғлигини тикловчи ва сокииликни истовчи сайёҳлар учун муҳим туристик объект ҳисобланади. Ботаник боглар, парклар, мишлий боглар сайёҳларнинг энг гавжум жойларидир.

Дарё ва кўллар ўзига хос ландшафт, микроиклим хусусиятлари билан сайёҳларнинг асосан мавсумий дам олиши, балиқ тутиши, сув спорти, чўмилиш жойлари (пляжлар) ва бошқалар сайёҳларни кеска вақт давомида мароқли дам олишини таъминлайди. Бежис эмаски, ҳозирги пайтда кўлаб дам олиш уйлари ушбу туристик объектларда қурилган.

Туризм яхши ривожланган Италия, Швейцария, Испания каби мамлакатларда маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар учун туристик фирмалар томонидан ҳар хил маршрут асосида экскурсиялар асосан дарё ва кўлларга уюштирилади. Буида дарё ва кўлларнинг экологик жиҳатдан тозалигини сақлаб қолиш назарда тутилади.

Орол денгизи ва Оролбўйи ҳудудлари экологик таиғ зона ҳисобланади. Бу ҳудудга бевосита таништирув аҳамиятга эга бўлган экотуристтик саёҳатлар маршрутларини уюштириш ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Шунингдек, ўлкамизда қатор балиқ-кўллар (мозорлар) мавжуд бўлиб, улар Бахмал, Нурота, Янгиқўрган ва бошқа туманларда жойланган. Албатта бундай объектларни ҳам маҳаллий ва халқаро туризм дастурларига киритиш лозим.

Тоғ экотуризми бевосита табиат билан инсон ўртисида ўзаро тўқнашуви қай тарзда кечили билан боғлиқ. Юртимиздаги кўлииб табиат гўшалари борки, у бевосита сайёҳларнинг дам олиш ва соғломлаштириш вазифасини бажаради. Бинобарин, тоғ ҳудудидаги хушманзара жойлар чет эллик сайёҳлар учун очилмаган кўриқдир. Биз уларни кизиктира олсак, ҳар бир сайёҳни табиат қўйнида дам олиш ва соғлигини тиклашга эриши олсак экотуризмнинг имкониятлари ниҳоятда кенгайди. Аммо бунинг учун экологик вазият ва туризм хизматини яхшилаш талаб этилади.

Маҳаллий сайёҳларнинг мавсумий дам олиш пайтларидаги тартибсизлиги натижасида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини пайҳон қилиши, лола, равоч, кийик ўти, тоғ пиёзи каби ноёб вазиятчи юзага келтиради. Бундай ҳудудларни кўриқлаш, авайлаб асраш, дам олишни ва туристик маршрутларни тўғри ташкил этиш лозим. Шу мақсадда экотуристлик тадқиқотлар ўтказиш ва қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- ◆ Тоғ ва тоғолди минтақаларидаги ҳушманзара табиат гўшаларини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, бунинг учун махсус кўриқхона ва миллий боғлар ташкил этиш;
- ◆ Ҳудудларни туристик районлаштиришда экологик туризмни ташкил этиш нуктаи назардан баҳолаш;
- ◆ Соғлиқни сақлаш ходимлари томонидан шифобахш жойларни ўрганиб чиқиш;
- ◆ Тоғ экотуризмни ривожланган давлатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси президентининг «Туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017.
2. Абдужабборов. М.А. Карст гор Южного Узбекистана. - Т.: 1990. - 112 с.
3. Александрова А.Ю. Международный туризм. Учебник. М.:Аспект Пресс, 2002.-470 с.
4. Джумаев Т. Горы Узбекистана, природа, хозяйство, отдых. (региональные проблемы). - Т.: Мехнат, 1998. - 224 с.

Уставщикова С.В.

УЗБЕКИ РОССИИ: ДИАСПОРАЛЬНЫЙ ФАКТОР АДАПТАЦИИ МИГРАНТОВ ИЗ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация. В статье рассмотрены отличительные черты расселения узбеков в России и Саратовской области. Рассматриваются проблемы, связанные с адаптацией узбекских мигрантов. Отмечается, что элементы традиционной культуры, религия, поддержание связей со своими соотечественниками являются одними из основных факторов, способствующих успешной адаптации узбеков. Соотечественники расширяют и укрепляют социальные связи приезжих в полиэтничной среде Саратовской области.

Ключевые слова: узбеки, расселение, диаспора, трудовая миграция, адаптация

Россиядаги ўзбеклар: ўзбекистонлик мигрантлар мослашувининг диаспорал омили

Аннотация. Мақолада ўзбекларнинг Россия ва Саратов областидаги жойлашувининг хусусиятлари кўриб чиқилган. Ўзбекларнинг мослашуви билан боғлиқ муаммоларга алоҳида эътибор берилган. Аниқландики, анаъанавий маданият, дин, қариндош ва юртдошлар билан алоқаларни сақлаш каби омиллар ўзбекларнинг муваффақиятли мослашувига қўмақлашади. Саратов областида яшайдиган ўзбеклар ўз ватандошларига янги жойда мослашиб олишларига ёрдам берадилар.

Калит сўзлар: ўзбеклар, аҳоли жойлашуви, диаспора, меҳнат миграцияси, мослашув

Uzbeks of Russia: diasporal factor of migrants' adaptation from Uzbekistan

Abstract. The article discusses the distinctive features of the settlement of Uzbeks in Russia and the Saratov region. The problems associated with the adaptation of Uzbek migrants are considered. It is noted that the elements of traditional culture, religion, maintaining links with their compatriots are one of the main factors contributing to the successful adaptation of the Uzbeks. Compatriots expand and strengthen social ties of migrants in the polyethnic environment of the Saratov region.

Key words: uzbeks, resettlement, diaspora, labor migration, adaptation

Ўзбеки — тюркоязычный народ. Они являются основным и коренным населением Узбекистана. Узбеки также проживают в Казахстане, Киргизии, Таджикистане, Туркменистане, Белоруссии, странах Европы, США. Узбеки в России — одно из крупнейших национальных меньшинств. По данным Всероссийской переписи населения 2010 года их численность составила 289,862 человека (0,2% от населения России) [1].

Самъиев А.К. Бухоро ва Қорақўл воҳаси агроландшафтларининг экологик ҳолати	318
Сафарова Н.Н., Алтйбоева М.Б., Аширматова Д.А. Хизмат кўрсатиш тармақлари ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари	320
Сергеева А.М., Канигаева К.П. Развитие туристских дестинаций в республике Казахстан	322
Сивохин Ж.Т. Проблемы устойчивого использования водных ресурсов в трансграничном бассейне р.Урал	326
Сидоров В.П. Оптимальность размещения объектов социальной инфраструктуры	330
Солнцв Э.А., Мирабдуллоев Б.Б. Наманган шаҳри атмосферера ҳавосининг сифати ва микрофит таркибининг ўзгариши	332
Старикова А.В. Новая хроногеография и её потенциал для анализа современных тенденций пространственной мобильности населения	334
Strujakiewicz T. Towards geography of market: the changing market for new passenger cars in Poland and its spatial dimension	336
Сулаймонова Н.Н. Ҳаво ҳароратининг турли даражалардан Утиш саналари буйича худуднинг агроклиматий термик ресурсларини таҳлиллаш	340
Сущий С.Я. Вооруженные конфликты и этнодемографические трансформации населения регионов юга России и сопредельных государств (конец хх – начало ххй вв.)	342
Тажиев К.К. Метод пластики рельефа как методическая основа изучения мелпоративных условий орошаемых земель левобережной части современной дельты Амударьи	346
Таштаева С., Батирова Ш. Ўзбекистонда урбанизация: замонавий хусусиятлар, муаммолар, истиқболлар	349
Тўраев Қ.Т. Ўзбекистон ва қўшни давлатларда трансчегаравий зиёрат туризми маршрутларини шакллантириш	352
Turdinambetov I.R., Oteuliev M.O., Niyazimbetova G.I. Aholining hayot sifati va uni o'rganishning dolzarbligi	354
Урабасев А.К. Метод пластики рельефа и системного картографирования бассейнов коллекторов орошаемых земель дельтовых геосистем	356
Усманов М.Р., Жумабоев Т.Ж. Туризм дестинацияси: географиянинг тадқиқот объекти сифатида баъзи мулоҳазалар	358
Усмонов М.Р., Назаров Х.Ё. Экотуризм ривожланишининг айрим географик жиҳатлари	361
Уставщикова С.В. Узбеки России: диаспоральный фактор адаптации мигрантов из Узбекистана	363
Ушакова В.Л. Влияние миграции на демографическое развитие Приморского края	366
Федорко В.Н. Опыт разработки многоуровневой схемы природно-хозяйственного районирования Узбекистана	370
Филипова А.Г., Высоцкая А.В. География детства: проблемы и перспективы междисциплинарного взаимодействия	376
Халмирзаев А.А., Эгамбердиева У.Т. Стратегия развития регионов Узбекистана	379
Холматжанов Б.М., Петров Ю.В., Эшмушнова У.У. Региональная циркуляция атмосферы над Средней Азией и современное потепление климата в Узбекистане	383
Хикматов Ф.Х., Аденбаев Б.Е., Артикова Ф.Я., Эрлапасов Н.Б., Хикматов Б.Ф. История, современные проблемы и перспективы развития научной школы горной гидрологии в Узбекистане	388
Чижикова О.А. Географические аспекты рационального природопользования	393